

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

⏪ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Институт талабаларининг танишув ва малакавий амалиётини хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида ўташ тизimini жорий этсин;

Институт талабаларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизimini жорий этсин;

в) 2024/2025 ўқув йилига қадар Институт ҳузурида тўқимачилик технопарки фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда Технопарк:

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан жалб этиладиган халқаро ташкилотларнинг грантлари ва салоҳиятли инвесторлар маблағлари ҳисобига, жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади;

Институт таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ҳамда унга технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тижоратлаштириш ҳуқуқи берилди;

ҳўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар, грантлар, ҳомийлик хайриялари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2026/2027 ўқув йилига қадар Институтнинг камида 2 та бакалаврият таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислигининг халқаро тан олинган ташкилотлар аккредитациясидан ўтказилишини таъминласин.

4. Институт тартибида қўйидагилар юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин:

Тўқимачилик матолари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш ҳамда бўяш-пардозлаш жараёнлари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш лабораторияларидан иборат тўқимачилик соҳасида илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи Илгор тўқимачилик муҳандислиги мактаби;

таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос кўринишларини яратиш имконини берувчи Дизайн студияси;

илмий тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда янги ишланма ва технологияларни амалиётга жорий этиш билан

шуғулланувчи Инновациялар ва технологиялар трансфери маркази.

5. Институтга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

иш берувчилар талабалари асосида ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ва амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, юқори курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотларини “4+2” тартибида ташкил этиш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий тадқиқот ишлари ва “Устоз — шогирд” тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Қўйидагилар:

2023 — 2026 йилларда Наманган тўқимачилик саноати институтини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Наманган тўқимачилик саноати институтини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Наманган тўқимачилик саноати институтида ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Институтга талабаларни давлат гранти асосида қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-технология институтига тўқимачилик саноати бўйича бакалаврият ва магистратура bosқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратиладиган давлат буюртмаси квотаси Институтга йўналтирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик саноати таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича тахсил олаётган талабалар ўқиши Институтга кўчирилади;

Институт фаолияти Давлат бюджетга маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик ўқув лабораторияси жиҳозлари Институт балансига ўтказилади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар:

Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тахриба ортирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда халқаро нуфузли олий таълим ташкилотларида фаолият юритувчи чет эллик ва (ёки) хорижда яшовчи ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ўқув ва Илгор тўқимачилик муҳандислиги мактабининг илмий тадқиқот жараёнларида жалб этиш чораларини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Институт иختисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга йирик тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқласин;

б) Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича Институт учун кадрларни мақсадли тайёрлаш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда Институт таянч докторантурасига тегишли иختисосликлар бўйича қабул квоталарини белгилаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт учун янги ўқув бинолари ва талабалар тураржойини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш, Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳалари 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Институтга Наманган шаҳар, “Гулобод” МФЙ, Жанубий айланма йўли кўчаси, 17-уй маҳзилида жойлашган Наманган тадбиркорлиқни ташкил этиш техникумининг бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазيري А.Х.Тошқулов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш.Абдуразақов белгилансин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 5 октябрь	

ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА



восита натижаси сифатида муносабатлар жадал ривожлана бошлаган.

95 млн. доллар кредит линиясига эга “Magyar Export-Import Bank Zrt.” (“Eximbank”) томонидан қўллаб-қувватланаётган Венгрия компаниялари учун Ўзбекистон бозорига кириш алоҳида иқтисодий имкониятлар беради. Икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ҳеч қачон ҳозиргидек фаол бўлмаган. Венгрия — Ўзбекистон муносабатларининг асосларидан бири сиёсий ишонч бўлиб, бу ишонч мустаҳкамланишига Европада коронавирус пандемиясининг авжи чўққисида Венгрия Ўзбекистондан тиббиёт ходимларининг ҳимоясини таъминлаш учун 650 минг дона тиббий нуқоб олгани ҳам хизмат қилди.

Мақола муаллифи Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида нафақат тижорат нуктаи назаридан, балки геосиёсий жиҳатдан ҳам муҳим давлатга айланиб бораётганини таъкидлайди. Яқинда бутун дунё эътиборини ғарбий бўлмаган дунёнинг энг муҳим қалъаларидан бири ҳисобланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хитой, Россия, Туркия Президентлари ва Ҳиндистон Бош вазир иштирокида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 22-саммитини таъкидлаш қийин. Шунингдек, Ўзбекистонда ислом цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган Марказий Осиёнинг энг кўзга кўринган ислом дини алломулари ва мутафаккирлари истиқомат қилаётганини қайд этиш жоиз, дея хулоса қилди журналист.



ҳам муносабатлар юқори даражада эканидан далолат бериши таъкидланди.

Вазир барча зарур келишувларга эришилганини ва икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Шу мақсадда, унинг фикрича, Венгрия Эксим-банки ҳам юз миллион евролик кредит линияси очган, шу сабабли икки давлат компаниялари бундан фойдаланиши керак. Атом энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим деб аталиб, Ўзбекистон дунёдаги энг йирик уран ишлаб чиқарувчилардан бири экани таъкидланди. Венгрия университетлари ҳар йили бир юз етмиш нафар ўзбекистонлик талабани қабул қилади. Фармацевтика саноати, қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги ва шаҳар хизматлари ҳам умумий манфаатларга эга.

П. Сияртонинг сўзлари “Hirado.hu” ва “BAON” нашрларида ҳам келтирилган. Қайд этилишича, Венгрия ва Ўзбекистон атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлиқнинг кенг қамровли дастурини йўлга қўймоқда, бу келажакда икки давлат ўртасидаги стратегик шериклигининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланади. У технология асосига эга бўлади, чуқки Ўзбекистон-



да қурилаётган атом электр станциясида Венгриянинг махсус совитши тизими қўлланади. Ҳозирги энергетика инқирози шароитида атом энергиясини ишлаб чиқариш қуввати ниятда қимматлидир, чуқки бусиз Европада ишончли ва арзон энергия таъминоти бўлмайдми, деб ёзади ОАВ муҳбири.

Венгрия вазирининг сўзларига кўра Марказий Осиёдаги барқарорлик Европа хавфсизлиги учун асосий масала бўлиб, Ўзбекистон бу борада доимо муҳим ўрин тутган.

“Metropol” ахборот сайтида Будапештдаги олий даражадаги мулоқот ҳақида хабар берилиб, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Каталин Новак пойтахтда Шавкат Мирзиёев билан шахсан учрашгани айтилади. Венгрия Президенти Ўзе-



кистон Президенти парламент биноси олдида фаҳрий қоровул билан тантанали рўхда кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон қисқа вақт ичида ҳайратланарли ривожланиш натижаларига эришди. Мувофиқ ички ва ташқи шароитлар таъсирида Ўзе-

кистон минтақадаги энг кучли давлатлардан бирига айланишга интиломқда, деб ёзади газета муҳбири. Шунингдек, ўқувчиларга мамлакатимиз раҳбарининг Бош вазир Виктор Орбан билан учрашуви суратини ижтимоий тармоқдаги саҳифасига қўйидаги изоҳ билан қолдирган: “Шарқ ва Ғарб ҳамкорлик қилгани биз учун яхши. Ўзбекистон Президенти Будапештда кулғайми!”

Бош вазир Виктор Орбан Шавкат Мирзиёевни Кармелита саройида қабул қилди, деб хабар берди “Gyorpusz.hu” сайти. Орбан учрашувда Венгрия Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги ўта муҳим шерик сифатида қарашини таъкидлади. Ҳамкорлик сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва энергетика нуктаи назаридан стратегик аҳамиятга эга.



Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ришталар ҳеч қачон ҳозиргидек фаол бўлмаган ва бу борада Венгрия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши алоҳида аҳамиятга эга, деб эслатади Венгрия ҳукумати раҳбарининг муносабатини изоҳлаб. Виктор Орбан Ўзбекистон Президентининг Туркий давлатлар ташкилотининг ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган саммитида иштирок этиш таклифини қабул қилди. Сешанба куни бўлиб ўтган музокаралар чоғида Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича қатор битимлар имзоланди, дея хулоса қилинади нашрда.

Ташқи ишлар вазирлиги
Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ ҲАМКОРЛИГИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

⏪ **Индзима САТОСИ, Сайтаи университети профессори (Япония):**

— Сўнгги пайтларда дунё дуч келатган турли муаммолар — жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши йўлидаги тўсиқлар, камбағаллиқнинг ўсиши, иқлим ўзгариши, глобал исиш, юқумли касалликлар, жумладан, COVID-19 ва бошқа касалликларнинг тарқалиши шароитида дипломатик фаолият Ўзбекистоннинг ўзига хос рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсати нафақат Марказий Осиё минтақасини барқарорлаштириш, балки Евроосиё қитъасидаги муаммолни жиҳатларини ҳам ҳал этишга қаратилган. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақиятли ўтган саммити бунинг ёрқин мисолидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалга оширган расмий ташрифи ҳам Ўзбекистон раҳбарининг барча хорижий давлатлар билан истисносиз конструктив муносабатлар

Мустафо МАРФИЛОНИЙ, Саудия Арабистонидаги бухорийлар диаспораси вакили:

— Ватандан узоқда бўлса ҳам Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни, айниқса, мамлакатимиз Президентининг хорижий давлатларга буоратган ташрифларини диққат билан кузатиб борамиз.

Венгрия Бош вазир Виктор Орбаннинг 2021 йил март ойидаги Тошкентда расмий ташрифи ва бунга жавобан Ўзбекистон Президентининг Будапештга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очиб, ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғонага олиб чиқди.

Ўтган йили Тошкентда имзоланган Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация икки томонлама муносабат-

ўрнатиш сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Венгрия Ўзбекистон учун стратегик ҳамкор мамлакатдир. Икки томонлама кўн тартибда иқтисодиёт, савдо, сармоя, қорвачиллик ва фармацевтикадан тортиб сиёсат, маданият, таълим ва кўп томонлама форматдаги ҳамкорлик каби кенг қўламли масалалар ўрин олган. Қолаверса, Венгрия цивилизация жиҳатидан яқин давлат ҳисобланади. Жорий йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида саммити ўтказилиши режалаштирилган Туркий давлатлар ташкилотига Венгрия қузатувчи мақомига эга эканлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳар икки давлат нафақат ўзларини қизқитирган соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга, балки минтақалараро (Марказий Европа — Марказий Осиё) ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш учун кўприк вазифасини ўташи мумкин. Қолаверса, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ташқи сиёсий ташаббуслари барча давлатлар ўртасида мулоқот ўрнатиш ва умумий миқёсда тил топиш учун хизмат қилишига ишонаман.

ларнинг янада ривожланишига хизмат қилди. Хусусан, сўнгги йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажми қарийб уч баробар ошгани диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш учун улкан истикболлар мавжуд. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашувининг фаоллашуви эса Ўзбекистон ва Венгриянинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг ривожни Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳам ҳамкорлиқнинг янада мустаҳкамланишига олиб келади.

«Дунё» АА.

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ» ИМКОНИЯТЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИМОҚДА?

Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлиқни қўлаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Сирдарё вилоятида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб синов тариксида кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ўрганиш

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 4 августдаги қарорига мувофиқ, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш республиканинг барча ҳудудида 2021 йил январь ойидан мазкур тизим орқали тўлиқ бажарилмоқда.

Жорий йилнинг 15 — 17 сентябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона

на реестри” тизимининг самарали ишлаши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, аҳолининг заиф қатламларига давлат ижтимоий хизматлари кўрсатилиши ҳолати Сирдарё вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди.

Кеча парламент қўйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан мазкур ўрганиш якунла-

рига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда депутатлар, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Адлия вазирликлари, бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси масъул ходимлари, Сирдарё вилояти, туман ва шаҳар ҳокимликлари масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими “Development Pathways” иختисослаштирилган халқаро компания томонидан ишлаб чиқилган. Унинг техник жиҳатдан фаолиятини таъминлаш ва доимий такомиллаштириб бориш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Ахборот технологиялари маркази томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ахборот тизимига 21 вазир-

лик ва идораларнинг ахборот тизимларидан 49 турдаги маълумотлар электрон олиниши белгиланган.

Йиғилишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилиши натижасида Сирдарё вилояти бўйича кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам бериш қамрови йилдан-йилга ошиб бораётгани, шу билан бирга, вилоят аҳолиси ўртасида мазкур тизимнинг афзалликлари, инсон омилларининг бартараф қилингани тўғрисидаги ишларнинг самарали ташкил этилгани натижасида кам таъминланган оилалар томонидан нафақалар масаласида мурожаатлар сонининг камайишига эришилаётгани депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Жумладан, 2019 йилнинг сўнгги 3 ойида нафақа ва моддий ёрдам олиш учун 11 минг нафар фуқародан 3,2 минг на-

фарига нафақалар тайинланган бўлса, 2020 йилда ариза тақдим этган 60,5 минг нафар оиланинг 27,1 минг нафарига, 2021 йилда эса 118,3 минг нафар оиланинг 54,3 минг нафари ҳамда 2022 йилнинг 8 ойи давомида ариза берган 84,9 минг нафар оиланинг 43,5 минг нафарига болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланган.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қисқа муддатларда салмоқли ишлар амалга оширилиб, тизим мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётганлиги депутатлар томонидан эътироф этилди.

Халқ вакиллари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига замонавий ахбо-

рот-коммуникация технологияларини жорий этишда айрим вази́рларнинг ижроси кечикаётганигаги эътибор катти. Хусусан, ФҲДЁ архивларида қроғоз ташувчиларда сақланадиган барча ҳужжатларни (нихоз) тузиш, никоҳдан ажралиш, туғилиш ва ўлим тўғрисидаги ёзувларни) рақамлаштиришни тугатиш, маълумотларни “ФҲДЁ электрон архиви” ахборот тизимига кириштиш ишлари якунланмагани депутатлар эътирозига сабаб бўлди.

Йиғилишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимидан фойдаланувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро интеграция жараёнларида ҳам бир қатор муаммолар мавжудлиги таъкидланиб, уни бартараф этиш бўйича таклифлар берилди. Аҳолига қулайлик яратиш, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилувчи ижтимоий ҳимоя ягона реестрини янада такомиллаштириш, фойдаланувчи ва ижросиларга қулайлик яратиш борасида депутатлар ҳам тегишли масъуллар билан ҳамкорликда ишлашга тайёр эканликларини қайд этишди.

Кўн тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

Тайкидланганидек, одам савдоси жинояти халқаро ҳамжамиятда барча давлатлар учун глобал муаммо сифатида намоеён бўлмоқда. Ушбу иллат кенг қамровли муаммо бўлиб, у нафақат одам савдоси, балки инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг саломатлиги, она ва бола хотиржамлиги, таълим, хавфсиз миграция, меҳнат эксплуатацияси масалалари билан қамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ушбу жиноят трансмильий мезон касб этиб, бир давлатдан иккинчисига ёки яна бошқа давлатларга боғлиқни давом этади ва глобал хавфсизликка таҳдид туғдиради.

Бундай шароитда, энг аввало, одам савдосига қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштириш, қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани

мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни кучайтириш давр талаби ҳисобланади.

Анжуманда Ўзбекистонда мазкур глобал иллатга қарши курашишда давлат органлари билан биргаликда фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани, соҳани такомиллаштириш халқаро стандартлар асосида амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Бу борада одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий комиссияларнинг ҳамда ушбу масалалар бўйича Миллий маърузачи институтнинг фаолияти миллий ва маҳаллий даражада ҳар томонлама, мувофиқлаштирилган ва таъсирчан чораларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида миллий қонунчиликда одам савдосига оид жиноятлар учун жазо масалалари кучайтирилди, шунингдек, очиклик тамойилларига таянган ҳолда халқаро ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланиб, бу борадаги ишлар мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Тадбирда халқаро экспертлар томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистонда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ислохотларга юқори баҳо берилди.

Кайд этилганидек, АҚШ Давлат департаментининг дунёда одам савдоси тўғрисидаги сўнгги йиллардаги

ҳисоботларида Ўзбекистон одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги фаолиятда юқори натижаларга эришгани боис алоҳида кузатув остидаги давлатлар рўйхатидан чиқарилиб, халқаро стандартларни тўлиқ бажариш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошираётган давлатлар рўйхатига киритилди.

Шунингдек, 28 сентябрь куни АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан эълон қилинган "Болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишлари" тўғрисидаги йиллик ҳисоботда Ўзбекистон "муҳим ўзгаришларни амалга оширган давлатлар" қаторига киритилди. Эътиборлиси, Ўзбекистон 131 давлат ичидан энг юқори кўрсаткичга эга бўлган 9 та давлат қаторидан ўрин олган.

Одам савдосига қарши курашишда, соҳага халқаро стандартларни жорий этишда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан самарали ҳамкорлик амалга оширилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Давра суҳбати давомида ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича махсус вакили В. Ричи, ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари маъруза билан қатнашди.

Яқунда ЕХХТ доирасида одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишда халқаро ҳамкорлиқни янада кучайтириш, жумладан, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари фаолият юритаётган давлатларнинг парламентлари, ҳукуматлари, тегишли идоралари ўртасида шериклиқни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

АМАЛИЁТДАГИ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚ ТЎЛДИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси ййғилишида ялпи мажлисга киритилган масалалар, жумладан, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, доимий комиссия раислари, қотибят мудирлари, тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида таҳлил қилинди.

Тайкидланганидек, янги таҳрирдаги ушбу қонун 31 моддадан иборат, стандартлаштириш соҳасидаги халқаро талаблар ва илғор хорижий тажрибани қамраб олиш, ўпан 29 йиллик ҳуқуқий амалиётдаги бўшлиқларни тўлдирish мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунда давлат стандарти тушунаси мажбурий бажариш маъносини англатгани боис хорижий тажрибаларга таянган ҳолда, "миллий стандарт" тушунасига ўзгартирилмоқда. Чўки миллий стандартлар ихтиёрий асосда қўлланилиши белгиланмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти, Стандартлаштириш бўйича халқаро стандарт ва бошқа тузилмалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарувчилар истеъмол бозори ёки хорижий бозорларга кириши ва ракобатбардошлигини ошириб бориши учун стандартлар ихтиёрий асосда қўлланилади.

Қонуннинг қабул қилиниши билан 18 мингдан ортиқ стандартлар мажбурий тусдан ихтиёрийликка ўтади. Қолаверса, халқаро, минтақавий ва хорижий стандартларни Ўзбекистон Республикасида қўллаш тартиби жорий этилмоқда. Бунда улар миллий органнинг қарори билан миллий стандартлар сифатида ўзгаришсиз қабул қилиш орқали қўлланилади.

Хозирги кунда Европа стандартлаштириш институти, Америка материаллари синаш жамияти, Франция стандартлаштириш уюмчаси, Россия Федерацияси Техник жиҳатдан тартибга солиш метрология федерал агентлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан стандартларни қўллаш ва ҳамкорлик

юзасидан келишувлар мавжуд. Шунингдек, стандартлаштириш соҳасида муайян мuddатга қабул қилинадиган "дастлабки стандарт"ни (DS — Dastlabki Standart) қўллаш тартиби жорий этилмоқда.

Туриль идоралар кесимида стандартлаштириш бўйича ишларни алоҳида-алоҳида олиб бориш амалиёти бекор қилиниб, стандартларни экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, янгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати стандартлаштириш бўйича миллий орган — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлар институтига берилмоқда.

Бу каби амалиёт Европа Иттифоқи аъзолари, Хитой, Россия, Сербия, Литва, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда мавжуд.

Ўз навбатида, стандартлаштириш фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланяпти. Жумладан, стандартлаштириш ишларини режалаштириш, стандартлар ахборот базасини яратиш ва юритиш, стандартларни қўллаш, нашр қилиш ва тарқатиш, стандартлаштириш соҳасидаги низоларни ҳал этиш тартиби, яъни Апелляция комиссиясини тузиш белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида миллий стандартлаштириш тизими халқаро амалиёт билан ўзгара-лаштирилади, махсулот ва хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг сифати, уларнинг ташқи бозорда ракобатбардошлиги ошишига эришилади.

«Халқ сўзи».

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари ҳамда иқтисодийнинг ишлаб чиқариш соҳаларида маҳаллийлаштириш дастурларининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари дастлабки тарзда таҳлилдан ўтказилди.

Мажлисида Сенат томонидан парламент назорати доирасида ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлар доимий равишда ўрганиб борилаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда ишсиз фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, норасмий бандлиқни қамайтириш бўйича янги таъсирчан механизмлар жорий этилди.

Хусусан, шу йил 1 ноябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ фаолият турлари яна 10 тага кенгайтирилади. 2023 йилдан эса

якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ миқдори қамайтирилмоқда. Шахсий томорқа ер участкасида 10 га яқин фаолият тури билан шуғулланаётган фуқароларга ҳам кафолатланган меҳнат стажига эга бўлиш имконияти берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ҳам қўриб чиқилди.

Эътироф этилганидек, 2022 йил январь — июнь ойларида 1849 та лойиҳа бўйича 16,4 трлн. сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган. Шундан иқтисодиёт тармоқларига 693 та лойиҳа бўйича 6,5 трлн. сўм, ҳудудлар ҳиссасига 1 156 та лойиҳа

ИККИТА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ййғилишида ялпи мажлисга киритилган иккита қонун муҳокама марказида бўлди.

Шу жараёнда "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун фуқаролар ва тадбиркорларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги, унда кўчмас мулкнинг турлари, уларга бўлган ҳуқуқлар, чекловлар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва рад этиш асослари аниқ белгилаб берилганлиги алоҳида таъкидланди. Айни чоғда унда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда ваколатли идораларнинг вазифалари, воситачиларнинг ўрни ҳамда улар кўрсатадиган хизматлар ҳам белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар айтганидек, мазкур қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши, мулкдорлар ҳуқуқлари-

нинг ишончли ҳимоясига хизмат қилади.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, ушбу қонун билан киритилаётган ўзгаришлар орқали "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунларда қонун лойиҳаларининг мукаддимасида қонунни қабул қилиш зарурати, сабаблари ва мақсадлари бўйича тушуниришлар берилиши, улар муҳокамаси ҳамда уларга овоз бериш тартиби очиб берилмоқда.

Бу қонуннинг қабул қилиниши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш заруратини, мақсадлари ҳамда моҳиятини аҳолига содда ва тушунарли шаклда етказишга йўл очилиши айтиб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЧИҚ, КОНСТРУКТИВ ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТИ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улғубек" жамғармаси томонидан "Янги Ўзбекистоннинг очик, конструктив ва прагматик ташқи сиёсати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда олий таълим муассасаларининг 35 ёшгача бўлган халқаро алоқалар бўлими бошлиқлари, сиёсатшунослик ва бошқа тегишли фан йўналишлари бўйича таълим бераётган ёш профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий изланувчилар қатнашди.

Анжуман

Кайд этилганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" номли китобида янги Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати юртимизни тараққий топтириш, фуқароларимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш, уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга сазовор экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ички ва ташқи сиёсат янгича қараш ҳамда ёндашувлар асосида олиб боришмоқда. Ҳар томонлама очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунё давлатлари, айниқса, қўшни мамлакатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муно-

сабатларини мустаҳкамлаш бу борада устувор тамойиллар сифатида белгиланганлиги.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, сиёсий фанлар доктори, профессор Саидхон Саидолимов кейинги йилларда олиб борилган амалий ташқи сиёсат натижасида юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрў-эътибори ортиб, унинг мутлақо янгича демократик қиёфаси шаклланганини таъкидлади.

Давра суҳбати қизгин савол-жавобларга бой бўлди. Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий йўналиши, миллий иқтисодиётнинг модернизация қилинишини жадаллаштириш,



ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатнинг региондаги муҳим аҳамияти, Ўзбекистон ва халқаро давлатлар муносабатлари тўғрисида мунозаралар қилинди. Айтиш жоизки, бутунги ёш илмий изланувчиларнинг дунёқараши кенг, сиёсий онги теран, дунё воқеаларидан хабардорлиги юқори. Энг му-

ҳими, ёшларимиз халқаро майдонда ва юртимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бефарқ эмас, уларга нисбатан ўз фикри, позицияси, таклифлари бор. Мазкур анжуман бунча яна бир бор намоеён этди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

СОҲАДАГИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

Шу маънода айтиш мумкинки, қонун лойиҳаси ишга қабул қилиш, иш тақсимлаш ва раҳбарлик лавозимларига тайинлаш борасидаги тенглик тамойилига риоя этилган ёки амал қилинмаганлик ҳолатларини тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Одатда аёл ходим иш сўраб келганида турмушга чиқиш, туғуруқ таътили ва кенгача иш жойида бўла олмаслиги каби вахталар билан ишга қабул қилмаслик ҳолатлари амалиётда учраб туради. Ёки аксинча, аёл раҳбар бўлган ташкилотларда ҳар доим ҳам иш тақсимоти, рағбатлантиришда эркак ходимга нисбатан тенглик принципига амал қилинади, деб бўлмайди. Айни мана шу тафовут ва муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси соҳадаги муаммоларни бартараф этади.

Энг муҳими, қонун лойиҳасида ташкилотларнинг иш хусусиятидан келиб чиқиб, ўрганишга олиб борилиши белгилаб қўйилмоқда. Гендер аудит Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида олиб борилади. Ўрганиш натижалари бўйича ахборот Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, қонун лойиҳаси мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, улар учун тенг шароитлар яратиб беришга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Умидо РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

РЕКЛАМА

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» давлат муассасаси

2023 йил учун таянч докторантурага қабул эълон қилади

1. Қуйидаги геология-минералогия фанлари мутахассислиги бўйича таянч докторантурага (PhD): 04.00.02 – Қаттиқ фойдали конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геохимия (2 ўрин).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига биноан, танловнинг охириги куни — 2022 йил 15 октябрь.

Ҳужжатлар ягона электрон тизим орқали қабул қилинади: <https://phd.mininnovation.uz>

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2023 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура, мақсадли таянч докторантура ва докторантурага қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

- 17.00.04 – Тасвирий ва амалий безак санъати;
- 17.00.06 – Музейшунослик: тарихий маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш;
- 17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА

ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШАРАДИ.

- Ариза;
- Қисқача биографик маълумотнома;
- Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- Олий таълим муассасаси магистратура-си дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- Нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;

6. Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси.

ДОКТОРАНТУРАГА ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШАРАДИ.

- Ариза;
- Қисқача биографик маълумотнома;
- Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- Олий маълумот, фан номзоди ёҳуд фал-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Ҳужжатлар (pdf шаклида) тайёрланиб 2022 йилнинг 15 октябригача олий ўқув юртидан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи ягона электрон тизим (<http://phd.mininnovation.uz>) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 — 25 ноябрь даврида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Телефон: 71-255-98-39

1 Тил салтанатининг беназир султони улугъ бобомиз Алишер Навоийнинг “Инсонни сўз айлади жудо хайвондин”, “Тилга эътиборсиз — элга ихтиёрсиз” каби ҳикматларида одам боласи учун тилга эътиромли муносабатнинг азалии ва абадий эҳтиёжи, инсонлиқнинг бош белгиси тил эканлиги, тил ва эл ҳурмати таносибининг таранглиги гўзал шамойилларда ифода топган. Умуман, ҳар қандай тилга, хусусан, она тилига, бирон-бир даражада бўлсин, нописандлик ёки камситиш билан қараш инсон ва эл қадрига ҳурматсизлик, инсон ва халқ ҳамятига даҳл қилиш тарзида англаниши, кишилар кўнглини, юмшоқроқ таъбир билан айтганда, оғритиши, таъбиийки, яқин ўлмасимизда биз бунинг гувоҳи бўлганмиз.

Бугун юртимизда халқ ҳамяятининг мунтазам ва иддаосиз ҳимояси мудоаоси билан ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилган қонуннинг имзоланганига 33 йил бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, **“Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”**. Шуни мамнуният билан таъкидламоқ жоизки, давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори билан, айниқса, сўнгги беш-олти йил ичидида мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш борасида янги босқич бошланди. 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепция ва махсус дастур қабул қилинган, келгусидаги ишлар аниқ-тиник кўрсатиб берилган, шу асосда тил илми тадқиқи, таълими ва тарғибига дахлдор тизимли ҳамда кенг қамровли ишлар жадал суръатларда амалга оширилди ва оширилмоқда.

Президентимизнинг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасидаги кўрсатмалари асосида илчил ҳаракат олиб борилмоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имконият ҳамда шароитларнинг яратилгани ҳам бор ҳақиқатдир. Юртимизда қарор топган бениҳос оқил ва одил тил сиёсати туфайли кўп миллатли халқимизнинг бирлиги, ҳам-жихатлиги янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбек тили байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз қаторида давлатимизнинг муқаддас ҳамда муҳташам рамзларидан бири сифатида тоқтирил ва ривож ўзанидан бормоқда. Қар йили 21 октябрь “Ўзбек тили байрамни кун”и сифатида бутун халқимиз томонидан чексиз мамнуният билан кенг нишонланмоқда, бу кун амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янгидан-янги режаларнинг тарғи чизилмоқда.

Тилинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақида кўп гапирилган. Шубҳасизки, тилинг пайдо бўлиши, ўзлаштирилиши ва тараққиётдаги мураккаб жараёнларни ҳамятдан айро ҳолда асло тасаввур қилиб бўлмайди. Бу мураккаб жараёнда ижтимоий муҳитнинг, кишилик ҳамоисининг, ойл-хонадон деган бирлиқнинг ҳал қилувчи омил эканлигидан иборат ҳақиқатни инсон ақли ҳазм қилиб улгурғунча, не-не насллар югурки асрлар тўзони ичра абадга қўним топган.

Эраимиздан олдин ҳам, бизнинг эраимизда ҳам дунёнинг турли бурчларида ана шу ҳақиқатни излаб, турли-туман тажрибалар ўтказилган. Жумладан, “Мўғуллар империясининг умумий тарихи” (Париж, 1705) номли китобда XVI асрда Акбаршоҳ томонидан ўтказилган бир гаройиб тажриба ҳақида батафсил ёзилган. Улугъ шоҳ “Бирон-бир тилга ўргатилмаган одамнинг табиий тили ҳудудий тили бўлади”, деган ғайриилмий гапни ашийтиб қолади. Шунда Акбаршоҳ болага ҳеч қандай тил атайлаб ўргатилмаса, у, чиндан ҳам, қайси тилда гапирадиган бўлишини билишни истади. Ана шу мақсадда шоҳ ўн иккита эмизликчи болани ажратиб олиб, Аградан олти мил узоқликдаги қалъага жойлаштиради, уларни тарбиялашни ўн икки соқов энагага топширади. Тилсиз қоровулга қалъа дарвозасини очиш қатъиян тақиқланади. Болалар ўн икки ёшга етганда, шоҳ уларни ҳузурига келтиришни буюради ва саройга барча тилларни билидиган донишмандларни ҳам тақлиф этади. Аграда ашайдилар бир ҳудудий болалар, чиндан ҳам, ҳудудийча гапириш ёки гапирмасликларига ҳақманик қилиши керак эди. Аграда араблар ва халдей (сумиллардан бўлган қадимий халқ)лар босиб эди. Хинд файласуфлари бу болаларнинг тили санскрит (қадимий хинд тили)ча бўлиб қикади деб ҳисоб-

ларди. Аммо болалар шоҳ ҳузурига келтирилганда, барча хайратдан ҳо қотиб қолади, чунки улар ҳеч бир тилда гапирмас эди. Бечоралар ўз энагаларидан фикрларини фақат турли имо-ишоралар билан ифодалаб, ҳеч қандай тилсиз муомала қилишни ўрганганди. Улар бу нотаниш, бегона жамоадан кўрқиб-ҳурқиб турарди, очилмай тугилган бу тилларнинг тугунини ечмоқ тамоман мушкул, уларга нутқ товушларини айттирмоқ замони ўтиб бўлган эди.

Қилни қирқ ёрган аксарият дунё тилшуносларининг таъкидлашларича, нафақат тилини ўзлаштириш, балки тилининг ибтидодан пайдо бўлиши ҳам муайян жамоада бировнинг бошқасига ниманидир айтиш, нимагадир ундаш, ўзининг муайян ҳиссий ҳолатини билдирishi каби эҳтиёжи маҳсулидир. Қисқача айтганда, жамоа-ҳамяят билан боғлиқдир. Айтиш жоизки, тилинг такомилу тараққиётини ҳам, унинг шахс маънавий-маданий ташаккулу ва аждоду авлоднинг замонлар оша ворисийлигидаги қиёссиз ўрнини ҳам ҳамятсиз англаш мутлақо мумкин эмас.

МИЛЛАТ ҲАМЯЯТИНИНГ МУНТАЗАМ ҲИМОЯТИ

Шунинг учун ҳам ҳамяят ҳамда халқ тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлигини, уларнинг миллий манфаатларини таъминлашдай олиий мақсадни бирламчи бурчи деб билган давлат ўз ҳудудида миллий тилини давлат тили мақомига кўтариши, унинг тирикчилиги муҳофазаси ҳамда ҳар тарафлама камолоти учун қайғуриши қонуний ва ҳаққоний заруриятдир. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармонда беҳад ўринли таъкидланганидек, **“Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”**.

Тилсиз миллий рух деган бемисл теран ва улғувор тушунчанинг моҳияти тамоман муаллақлашади. Ўзбек педагогик асослари атоқли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний 1917 йида иккинчи марта нашр қилинган “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида бу ҳақиқатни мана бундай ифодалаган: **“Хар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилин йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”**. Демакки, миллий рух, миллий онг, миллий маънавият, миллий маданият каби тушунчаларнинг таънн устуни, тирик тиргағи она тилидир. Забардаст ўзбек тилшуноси, академик Алибек Рустамов бу ҳолатни гўзал ва оҳорли қиёс воситасида мана бундай тавсифлаган: **“Тирик жоннинг ҳаёти учун ҳаво қанчалик зарур бўлса, инсоннинг инсон сифатидаги турмуши ва унинг инсонлигини белгилوовчи маънавий тирикчилиги учун сўз (яъни тил) шунчалик зарурдир”**.

Тил нафақат маънавият ва маданиятнинг, балки тафаккурнинг ҳам асосий таъяни, шунинг учун ҳам миллий тафаккур тушунчаси мавҳуд. Табиийки, инсоннинг дунёни билишидай адоқсиз тадрижй жараёнинг қудратли ҳаракатлантирувчи қучларининг бошида тафаккур туради. Бу куч таърифини улугъ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийдан ўтказиб ҳеч ким айт-лол эмас: **“Хар ишқи қилишш одами-зод, Тафаккур бирла билишш одами-зод”**. Шуну ҳам ёдда тутиш жоизки, тафаккурни воқеланттирадиган, унга фақат ша-моиллигина эмас, балки аниқ ўзан бахш этадиган қудрат эса тилдир. Тил миллий тафаккур тарзини тайин этади ва мутлақо таносибиб бир интизомда тафаккур тақомили тилинг тадрижй тараққиётини таъминлайди. Инсоният камолотида, унинг тафаккури, тасаввури ва тахайюли парвозида тилининг бекиёс омил эканлиги бугун эътироф этилган ҳақиқатлардандир.

Махшур олмон алломаси В. Гумбольдт ва унинг давомчиларининг эътирофлари-ча, тил кишилар ўртасидаги шунчаки алоқа воситасигина эмас, у миллатнинг дунёни кўрар кўзи, эшитар қулоғи, англар ақли-дир. Ҳар бир халқнинг бошқалардан фар-

қли миллий нигоҳи бор. Ҳар бир тил ва-кили муайян товушни бошқасидан фарқли эшитади, масалан, ўзбек итинг тову-шини “вов-вов” деб, рус “гаф-гаф” деб ва ҳоказо тарзда ифодалайди. Идрок ин-тизомидаги фарқларни ҳар сезмаслик мумкин эмас, масалан, русчадаги **“не даёт говорить”** бирикмасини ўзбекчага **“гапиришга бермаяпти”** тарзида ўгириш ана шу русчадаги идрок интизомини ўзбекчага ноўрин кўчириш натижасидир, ўзбекча идрок интизомига мувофиқ **“гапиришга қўймапти”** тарзида бўлиши зарур. Тил бу синоатли оламни мунтазам инкишоф қилишнинг бирламчи қудратли қуролидир.

Дунё адабиётининг номдор намояндаси Чингиз Айтматов “Авезов ҳақида сўз” номли мақоласида **“Тил халқнинг автопортретидир”**, деган беҳад теран образли таърифни айтган. “Автопортрет” сўзининг маъноси, маълумки, “рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўз қўли билан ишлаган ўз тасвири, портрети”дир. Чиндан ҳам, масалан, ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл



эмас, балки тафаккурнинг ташаккулида бевосита иштирок этадиган, унинг ўзани тайин этадиган беназир унсурдир. Ана шунинг учун ҳам унутмаслик зарурки, она тили дарслиқларини фақат хорижий тил дарслиқлари қолипида яратиш, она тилини ўқитиш жараёнларини тамоман чет тили таълими андозаларига солиш мақ-

садга мувофиқ эмас. Она тили таълими-дирадиган, муҳими, шу тилинг ўзи воси-тасида ҳамда “ўз қўли” билан “чизилган” ҳам ички, ҳам ташқи ҳолис қиёфасидир. Бу қиёфа халқимизнинг минг йиллик ли-соний-тарихий тараққиёти жараёнларида, бетакор маданий ва ақлий, адабий-ба-дий дурдоналарида бўй кўрсатиб туриб-ди. Бу қиёфа парварийшу муҳофазига, эъзозу эҳтиётга, кўз қорачигидек асра-моққа, янада камолот сари элтмоққа шоён муҳташам бойлиқдир.

Дунё тил илмида тил ва тафаккур му-носабати борасида турли фикрлар бил-

Президентимизнинг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасидаги кўрсатмалари асосида илчил ҳаракат олиб борилмоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имконият ҳамда шароитларнинг яратилгани ҳам бор ҳақиқатдир. Юртимизда қарор топган бениҳос оқил ва одил тил сиёсати туфайли кўп миллатли халқимизнинг бирлиги, ҳамжихатлиги янада мустаҳкамланмоқда.

дирилган, улардан бирига кўра, тил тафаккурнинг шаклланиши жараёнларида бевосита иштирок этади. Бундай фикрни илгари сурганлардан бири америкалик та-никли олим Бенҳамин Ли Уорфдир. Унинг назарий қарашларини таҳлил қилган Макс Блэк “Тил мустақил мазмуннинг ташқи ифодасидир, тил ва мазмун ўртасидаги муносабат кийимнинг ўзи ёлиб турган та-нага муносабатига ўхшайди”, қабилидаги ҳўкм айтилса, бунга Уорфнинг мутлақо қўшилимаган бўлишини таъкидлайди. Бунинг маъноси шуки, тилин Уорф ҳеч қанон иккиламчи, яъни тафаккур шаклланиши-даги ёрдамчи восита деб ҳисобламаган. Ана шу хижатдан қараганда, мутафаккирнинг қуйидаги икки мулоҳаза-ҳўкм ҳам алоҳида эътиборга молик: **“Таъкидламоқ керакки, “ҳинд-европа тилларида гапира-диган барча замонавий олимлар” ва “барча олимлар” тушунчалари бир-бири билан тенг эмас. Замонавий хитой ёки турк олимларининг дунёни Европа олимлари каби тавсифлаши фақат шуну кўрсатади-ки, улар ўз тафаккур тизимларини муста-қил ҳолатда ишга солимаганлар, балки бу-тун ғарбча тафаккур тизимини яхлитли-гича ўзлаштирганлар”**. **“Айтиш мумкинки, инсониятни келажақда бир тилда, ҳоҳ инглиз, ҳоҳ немис ёки ҳоҳ рус тилида, гаплашишини тасаввур қиладиганлар ин-соний тафаккур тараққиётига улкан зарар келтириши аниқ бўлган ҳолатни идеал сифатида қабул қилганлари учун қаттиқ ада-шади”**. Олимнинг бу гапларидага аёвсиз ҳақиқатни унутмаслик лозим. Тил тафак-курнинг шунчаки либоси, ташқи томони

чиқариш, унинг ўрнига бошқа сўзни киритиш борасидаги етарлича ўйланмаган ёки илмий-мантқиқий асоси анчайин бўш тақлиф-мулоҳазалар билдирилади, ўзбек тилидаги ҳар қандай ўзлашмага ғашлик билан қаралади, ҳар қандай ўзлашмани эски туркий тилга оид сўз билан ал-маштириш тасвия қилинади. Ҳолбуки, Ер юзидаги 6909 та тилдан (ЮНЕСКОнинг 2012 йилдаги маълумоти) луғат бойлиги-да ўзлашмалар тамоман йўқ бўлган би-роррта тил мавҳуд эмас. Ҳатто энг йирик ва ривожланган деб ҳисобланган тилларда ўзлашмалар анчайин катта микдорни ташкил этади. Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан 1915 йилда айтил-ган қуйидаги фикрларнинг нечоғли асос-ли эканлигига диққат қилинг: **“...Минг йил аввалги тилга қайтмоқ қонуни табиятга муҳолифдир. Чунки мазийга ружуъ мум-кин йўқ, Бегона тилдан сўз олмақдан қутулган тил йўқдур. Англисчани арабча-**

Интиҳосиз ифтихор билан айтиш жоизки, ўзбек тили бу кўрраи заминдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир. Бу тилда бугун эллик миллионга яқин кишилар сўзлашмоқда, бу тилинг чин муҳиблари сони ортиб бормоқда. Қўплат турли хорижий мамлакатларда ўзбек тилини катта иштиёб билан ўрганишмоқда. Мамла-катимизда миллат ва халқ ҳамяятининг мунтазам ҳимоятини елкалаган “Давлат тили ҳақида”ги Қонунимизга мувофиқ тарзда шаклланган ҳолис тил сиёсати боис ўзбек тили ҳамда бошқа тиллар эркин ривож ва тақомил йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг озод ва обод сўзи билан, бу сўзга монанд қўламли фаолияти билан ўзлигини дунёга намойиш этаётир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори, профессор.

дан сўнгра энг бой тил дерлар. Ма фиҳи (шунга қарамасдан), ўн минглар ила бе-гона луғатларни мажбуран олганлигини ёзарлар. Хулоса фикримиз шуки, ялғуз туркча сўйламак ва ёзмок абадан мум-кин йўқ. Бақадри имкон арабий ва фор-сийни оз ёзайлуқ. Барча илму фан исти-лоҳ луғатларига туркчадан муқобил охти-риб вақтни зое этмайлуқ”. Бугунги гло-баллашган XXI асрда эса бир-бири бил-лан мулоқотда бўлмаган тил ёки халқ-нинг ўзи йўқ, тиллараро сўз олиш-бериш анча фаоллашган ва бу одатий ҳол туси-ни олиб бўлган. Тилимизга кириб, ўзлаш-ган, луғатимиз тарқибидан жой олиб ул-гурган ҳар қандай чет сўзга муқобил излай-вериш, ўринли-ўринсиз уни алмаштириш пайдидан бўлавериш фойдали қомуш эмас.

Қўнча ва донишманд Шарқ одамлари-да, хусусан, бизнинг аллома боболари-мизда кўп тилини билиш бениҳос мўъта-бар фазилат ҳисобланган ва ана шу фа-зилат соҳиблари бўлганликлари боис ҳам улар жаҳон илм-фани ҳамда адабиётда муҳташам ва муҳтарам ўринларни эгал-ланган. Ҳатто XIX асрда яшаган тарихчи Ибн Халлиқоннинг кўрсатишича, буюк олим Абу Наср Форобий ўз она тили — туркий тилдан ташқари етмишдан ортиқ тиллар-ни билган. Бу ҳақдаги ривоятлардан би-рида айтилишича, бир куни Дамашқ ҳоки-ми ҳузурдаги олимлар йиғинига Форобий ҳам келиб қолади. Ўз тахтида ўтирган ҳоким Сайфудавла Форобийни ўтиришга тақлиф этади. Форобий: “Ўзимнинг мар-табангизга қараб ўтирайми?” деб сўрай-ди. Ҳоким: “Ўзингнинг мартабангга қараб ўтир”, деб жавоб беради. Олим тўппа-тўғри ҳокимнинг тахти ёнига бориб ўти-ради. Бундан ғазабланган ҳоким кўпчи-ликка номаълум бўлган бир тилда соқчи-сига: “Бу одобсизлик қилди, ахлоқсизли-ги учун уни кетаётганида жазоланлар!” дейди. Шунда Форобий: “Мен ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ-ку, нима учун мени жазолайсиз?” деб сўрайди. Хайратга туш-ган ҳокимнинг “Бу тилин халқ орасида ҳеч ким билмас эди, сен қаердан ўрган-гансан?” деган саволига Форобий: “Мен кўп тилларни ўрганганман”, деб жавоб беради. “Иккинчи муаллим”ни таниб қол-ган ҳоким олимдан урғу сўрайди.

Юртимизда кўп тилини билиш, кўп ти-лини ўрганишга ҳаракат қилиш азалдан аъ-ана тусини олган. Бу аънананинг мамла-катимизда бардавом бўлишини таъмин-лаш борасида давлатимиз раҳбари дои-мий равишда ғамхўрлик қўрсатиб келмок-да. Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йилли-гига бағишланган тантанали маросимда-ги нутқида **“Биз ёшларимизнинг жа-ҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини хар доим қўллаб-қувватлаймиз”**, деб таъкидлар экан, XX аср бошида олти тили — ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган маърифат-парвар Исҳоқон Ибротнинг қуйдаги сўзларини эслатади: **“Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилини билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин ав-вал ўз она тилини кўларига тўтйё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ва-таний ишдир”**. Шубҳасизки, одам ҳар қанча кўп тилини билимсин, унинг тамо-мила ва том маънода узиники бўлган тили фақат битта бўлади, албатта, бу унинг ўз она тилидир. Шунинг учун ҳам бошқа тил-ларни ўрганишда она тили орқали у тил-лар оламига кириш ақл ва мантиқнинг йўриғидир. Она тилидаги собитлик — мил-лий тафаккур ўзанини саломат сақлайди.

Яна шуну ҳам таъкидламоқ жоизки, халқимизда “Ўз қадрини билмаган ўза-нинг қадрини билмас” тарзидаги бикир бир ҳижмат бор, шу ҳижмат таъбири доирасида атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидов ўзи-нинг “Сўз лафозати” номли латиф китоби-да қуйидаги ҳаққоний гапларни айтган: **“Биз ўз она тилимиз қадрига етсак, араб тили-нинг бойлиги ва муқаммал қурилишини қадрлаймиз, форс тилининг нафосати ва гўзаллигидан баҳра оламиз, инглиз, рус тилларининг қудратини ҳис қиламиз. Улар-ни чуқур ўргансак, рақобат тўла бу оламда бамайилхотир қадам ташлаймиз”**.

Интиҳосиз ифтихор билан айтиш жоизки, ўзбек тили бу кўрраи заминдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир. Бу тилда бугун эллик миллионга яқин кишилар сўзлашмоқда, бу тилинг чин муҳиблари сони ортиб бормоқда. Қўплат турли хорижий мамлакатларда ўзбек тилини катта иштиёб билан ўрганишмоқда. Мамла-катимизда миллат ва халқ ҳамяятининг мунтазам ҳимоятини елкалаган “Давлат тили ҳақида”ги Қонунимизга мувофиқ тарзда шаклланган ҳолис тил сиёсати боис ўзбек тили ҳамда бошқа тиллар эркин ривож ва тақомил йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг озод ва обод сўзи билан, бу сўзга монанд қўламли фаолияти билан ўзлигини дунёга намойиш этаётир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори, профессор.

Таълим

45 дақиқалик дарс мазмунли бўлса, ўқувчи унинг қандай ўтганини сезмай қолади

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун илк бор “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг мамлакат босқичи ўтказилди. Унда Бухоро шаҳридаги 40-умумтаълим мактаби жамоаси фаҳрли 2-ўринни эгаллади. Билим даргоҳи 400 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти ва Буюк Британияга таълим саёҳати ваучерини қўлга киритди.



— Муваффақиятимиз замирида ўқиш, изланиш, интилиш, бир сўз билан айтганда, машаққатли меҳнат ётибди, ал-батта, — дейди ушбу мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, халқ таълими аъло-чиси Шаҳноз Бобоқулова. — Биз дарс-нинг ҳар бир дақиқасидан самарали фой-даланишга ҳаракат қиламиз. Ҳамма гап болада мотивация, иштиёқ, қизиқиш уйғота билишда, уни руҳлантира олишда. Интерфаол ўйинларга катта ургу бера-миз. Ҳатто дарс жараёнида жисмоний машқлардан ҳам фойдаланамиз. Ўқувчи-ларнинг кўзи ҳамма нарсани айтиб туради. 45 дақиқалик дарс мазмунли бўлса, унинг қандай ўтганини ўқувчи сезмай қолади. Шунга эришиш учун бор маҳоратимизни ишга соламиз.

Муаллимларнинг сўзларига қўшимча тар-зда айтиш мумкинки, ўқитувчилар фақат дарслик билан қинфояланиб қолишмаяп-ти. Инглиз тилини ўргатишга оид жуда кўп манба бор. Улардан ўз ўрнида, оқило-на фойдаланилмоқда. Бу эса ўз самараси-ни берапти. Мактабдаги юқори синф ўқи-вчиларининг инглиз тилида ўзаро эмин-эркин гаплаша олишлари, хорижий тилда ишю ёза билишлари фикримиз тасдиқдир. Айтмоқчи, мактабда 12 нафар инглиз тили ўқитувчиси фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг уч нафари олий, беш нафари биринчи тоифали ўқитувчи сана-лади. Муаллимларнинг барчаси халқаро сертификатга эга.

— Мактабимиз жамоаси эришган ютуқ-да Мунира Тагирова, Малика Саломова, Дилором Жўраева сингари ҳамкасблари-нинг ҳиссаси жуда катта, — дейди сўзини давом эттираркан Ш. Бобоқулова. — Бе-восита танловга келсак, биз унда тад-бирнинг вилоят босқичи ғолиби сифати-да иштирок этдик. Махсус тест натижа-ларига кўра, республикада фаҳрли иккин-чи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Бу қандайдир маънода зиммаимиздаги масъулиятни янада оширди. Негаки, мак-табимиз кўпчиликнинг назарига тушди, иш тажрибамизни ўрганишга қизиқиш пайдо бўлди. Биз шу масъулиятни чуқур ҳис қил-ган ҳолда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида бор куч-ғайратимиз ва салоҳия-тимизни ишга соламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Хунарлининг рўзғорига барака ёғилади

Навоий вилоятида “Ишга марҳамат!” мономаркази 2021 йилнинг июль ойида фаолият бошлаган бўлса, ҳозирги кунда бу ерда ўқув машғулотлари малакали устоз, мутахассислар томонидан олиб борилмақда. Бундан ташқари, ишсиз фуқароларнинг мувожаатлар бўйича ишга жойлаштириш, миграция хизмати, яъни хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган фуқароларни чет тилларга ўқитиш бўйича хизматлар ҳам ташкил этилган.

Бандлик

— Ўтган бир йил мобайнида 2 700 нафар тингловчи 32 йўналиш бўйича касб-хўнарга тайёрлан-ди, — дейди марказ директорининг биринчи ўринбосари Дадахон Жумаев. — Битирувчиларнинг 88 фоизи иш билан таъминланиб, уларнинг 60 фоиздан кўпроғи са-ноат ва қурилиш корхоналари ҳамда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳа-ларида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари вилоят-тимизга таширифи доирасида ўтган йилнинг 13 октябр куни маркази-мизга келиб, касб-хўнарга тайёр-лашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, хорижнинг илғор таж-рибаларини қўллаш, йирик санаот корхоналари билан кадрлар тайёр-лаш бўйича алоқалар ўрнатиш, мар-каз моддий-техника базасини мун-тазам такомиллаштириш, назария

ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш орқали тингловчиларда иш жойла-рига қўникмалар яратиш каби бир қатор муҳим вазифаларни белги-лаб берган эди.

Ана шулар асосида жорий йилда 3 174 нафар кишини касб-хўнарга тайёрлаш режалаштирилган. Хусусан, “Навоий кон-металлур-гия комбинати” АЖга 2 минг, “Навоийазот” АЖга 450, “Навоий-уран” ДКга 289, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖга 90, “НКМКга хизмат кўрсатиш жам-фармаси” ДМ учун 345 нафар иш-сиз фуқаро мураккаб ускуна опе-ратори, технолоғ, кончи, лаборант ва юқори технологиялар йўналиш-ларида ўқутилмоқда.

— “Аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар-

нинг касб-хўнаур эгаллашига кўмаклашиш ва тадбиркорлик қилиш ниятида бўлган фуқаролар-ни қўллаб-қувватлаш муассасамиз-нинг асосий мақсади, — дейди мар-каз ахборот хизмати мутахассиси Нигора Раҳматова. — Шунингдек, 2021 йил 21 декабрдаги “Ногирон-лиги бўлган шахсларни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда иж-тимоий фаоллигини янада ошириш-га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ик-росини таъминлаш мақсадида рес-публика Карлар жамятии Навоий вилояти бўлинимаси аъзолари, Кармана туманидаги 25-мактаб-интернат ўқувчилари ҳамда кўрши имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим



муассасаси ўқувчилари марказимиз фаолияти билан таништирилди. На-тижада ушбу ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, имконияти чекланган шахсларни касб-хўнарга тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Марказ томонидан маҳаллий ва хорижий тажрибали мутахассислар билан ҳамкорлик бўйича ҳам ўтган йили дастлабки қадам қўйилди. Чунончи, марказда туркиялик ошпазлар томонидан маҳорат